

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИДА МУРОЖААТ СТИЛИЗАЦИЯСИ**Саъдулла МАТЯКУПОВ****филология фанлари номзоди доцент,
Нукус давлат педагогика институти
Ўзбек адабиёти кафедраси доценти.**

Аннотация. Мақолада шеъриятда шоир кечинмалари орқали қилинаётган мурожаат стилизацияси, одам ва олам мулоқоти ҳамда муносабати, шунингдек, бадий коммуникация шаклланишида ифода ва тасвир масалалари Рауф Парфи ижоди мисолида илмий-назарий таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: лирика, бадий маҳорат, мурожаат, муножот, стилизация, бадий образ.

Шеъриятда диалогик талқин муҳим аҳамият касб этади. Негаки, иждокор ўз тафаккурида борлиқ ва инсон билан, ҳайвоноту наботот билан суҳбат куради. Оламга одам бўлиб, одамга олам бўлиб мурожаат қилади. Мазкур ифода усули бадий иждоа азалдан мавжуд бўлиб савол-жавоб тариқасида акс эттирилгани маълум. “Саволу жавоб – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтни икки шахсинг ўзаро савол-жавоби тарзида шакллантириш. Саволу жавоб санъати, шунингдек, байт доирасидан чиқиши, яъни бир байт савол, иккинчиси эса жавоб тарзида шакллантирилиши ҳам мумкин. Рашидиддин Вотвот ушбу санъатни форсийзабон шоирлар ғоят қадрлаши, форс шеъриятида бошдан-оёқ шу санъат асосида ёзилган қасидалар мавжудлигини қайд этган. Саволу жавоб санъати ўзбек шеъриятида ҳам жуда фаол қўлланган, у шеърга жонлилик, ҳаётлилик бахш этиши билан деярли барча мумтоз шоирларимиз эътиборини тортган” [Қуроноов Д., 6:266].

Аристотель “Поэтика” асарида драматургия жанрларини кенг таҳлилга тортар экан, унинг наздида, бадий асар, энг аввало, тил ҳодисаси саналади. Зеро, характерлар тадрижи ва воқеалар ривожини айнан ифода усулида ўз маромига этади. Унда кескинлик ва аниқлик хусусиятлари бирлашган ҳолда зиддият ҳажми тафсилотга ойдинлик киритади. Муаллиф бадий нутқ типларини адабий тафаккур каби мустақил ҳодисага қиёс қилади. Сўз моҳияти ўзгарувини тўрт усулга ажратган файласуф таъкидлайдики: “Баъзан тил амалиётида сўз муқобиллиги муносабатни шакллантиради. Унда дунёқарашлараро позитив кескинлик баҳолаш мезонларини тадқиқ сахнига чиқаради” [Аристотель. 1:174]. Эътибор қилсак олим муносабат белгисини

(монолог, диалог, полилог) муҳим омил сифатида таъкидлаган ҳолда нутқий структурани комплекс сифатида англайди. Шунингдек, дунёқарашлар зиддиятини қаҳрамонлар ирода йўналишини таъминлайдиган усулга тенглайди ҳамда бадиий тафаккур моҳиятини англашнинг асосий марказига йўналтиради.

Шеърятда шоир кечинмалари орқали қилинаётган мурожаат ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, унда ижодкор ёки лирик қаҳрамон руҳиятига мувофиқ ўлчов асосий мезонга айланади. Шеърда мурожаат баъзан тасдиқ, баъзан инкор, шунингдек, хавотир, ҳайрат, қувонч, алам, афсус-надомат кабиларни англантиши мумкин.

Қайда ўсдинг, қайда яшадинг?

Япроқ, япроқ, айтиб бер менга.

Юлкиниб ўзингни ташладинг

Нега, ахир, япроғим, нега?

Сени шамол, боқ, супурмоқда...

Япроқ, япроқ, сўзлаб берсанг-чи,

Ўз севгингдан бўзлаб берсанг-чи,

Нечун тушдинг, нечун оёққа?.. [Рауф Парфи. 3:96].

Япроққа бўлаётган мурожаатдан англаш мумкинки, дарахт шохларидан узилиб ҳавода учаётган япроқда шоир қисматни кўради. Шеърдаги руҳият тасвири ва тасвир руҳияти китобхон ҳолати билан уйғунликда янги маънолар очади. Адабиётшунос, истеъдодли ижодкор Р.Раҳмат таъкидлаганидек: “Бу шеър кулфат ҳақида. Шоир япроқ фожиасини англантиш учун керакли ифода йўсинини топа олган – бошига бошига оғир мусибат тушган одамга унинг энг яқин кишиси асосан изтиробли савол оҳангида мурожаат қилади. Бундай мурожаат замирида мушкул аҳвол қошида ўзининг ҳам ожиз эканлигини билдирувчи маъно бор. Япроқнинг бошига тушган савдо бизга маълум. Чунки шоир бу ҳақда маълумот берадиган аҳволда эмас. Биз фақат шоирнинг куюнчак ва серғусса савол-мурожаатидангина япроқ фожиасини ҳис этамиз” [Раҳимжон Р., 4:36].

Ҳаётнинг барча жабҳасида даврлараро шаклланиш ва тараққиётлар бўлгани каби адабиётда ҳам мавжуд турлар ва жанрлараро синтез намоён бўлади. Хусусан, эпик ва драматик турга мансуб бўлган тасвирлар лирикада ҳам акс этган ҳолда янгидан-янги бадиий кашфиётлар сифатида эътироф этилмоқда. “Диалогларнинг насрий асарлар структурасида кўп қўлланилиши воқеалар баёнида драматизмни бир қанча кучайтиради ҳамда драматик ва

насрий жанрларни ўзаро яқинлаштириб, драматик тасвир имкониятларининг насрга ўтишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам диалоглар ва ремаркалар бадий адабиёт стилистикасида бирдек термин билан аталиши табиий ҳол. Шундай бўлса-да, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар орқали диалог ва унинг тузилишида муаллиф ремаркаси билан қаҳрамонлар репликасининг қўлланиш доираси анча кенгайиб, улар ҳатто назмий асарларга ҳам ўтаётганлигини англаймиз” [Бекбергенова З., 2:47].

Юқоридаги шеърда шоир мурожаати япроққа нисбатан бўлса, “Шивирлама менга, эй шамол” деб бошланувчи шеърда эса мурожаат шамолга йўналтирилади.

Шивирлама менга, эй шамол,
Худди қалбим ёнидан оқма.
Шивирлама менга, эй шамол,
Узиб япроқларингни отма.

Шивирлама менга, эй шамол,
Қайга олиб борурсан тагин?
Шивирлама менга, эй шамол,
Ўтмишларнинг қора эртагин [Рауф Парфи. 3:97].

Ҳар иккала шеърдаги бадий деталь япроқ ва шамолни образ даражасига олиб чиқишга хизмат қилган ҳолда ижодкор тасавуридаги воқеликни аниқ ҳис қилиш имконини беради. Профессор, Б.Саримсоқов таъбири билан айтганда “Сўз бадий образга айланишида ҳам мазмуний ҳам шаклий жиҳатдан катта эстетик юк (босим) олади. Агар кундалик нутқимизда “қуёш нури”, “ёмғир”, “қор”, “шамол”, “сув” каби сўзлар оддий метеорологик тушунчаларни англатса, бадий асарларда улар муайян нарсаларнинг образига айланиб, шахснинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатадилар, турлича таассуротлар, кайфиятлар уйғотиб, онгимизни бойитадилар. Шу маънода оддий илмий образ билан бадий образни фарқлаш лозим. Агар илмий образ аввал ақлга ва ақл орқали ҳисга таъсир кўрсатса (баъзан умуман ҳисга таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин...) бадий образ аввал ҳисга, ҳис орқали ақлга таъсир кўрсатади” [Саримсоқов Б., 5:96].

Демак, ҳар иккала шеърдаги “япроқ” ва “шамол” қисматидан ҳар бир инсон табиат қонуниятларидан ҳаётий мезонларни ҳис қилиши, шунингдек, инсон табиатидаги фазилат ва иллатларни англаши ва ундан тегишли хулосалар чиқариши мумкин. Зеро, шеърий нутқ руҳий ҳолат ва маъно зиддияти ҳосиласи ҳисобланади. Муносабат зиддияти уйғунлашуви ташбех

бетакрорлигида бўй кўрсатади, моҳият туйғу-фикр муқобиллигига таянади. Тасаввур ҳамда ифода ўрин алмашинуви аслида тасвир руҳиятини белгилайди. Шу маънода, ривоя техникасида ҳаётий-хаёлий муқояса асосий омил даражасига кўтарилиши билан бирга идрок ва баҳолаш мезони бир-бирини тўлдиради. Бу вазиятда ички нутқ позитив муносабат барқарорлигини “бегона” нуқтаи назарга улаб марказлашган мунозара характери эстетик идрокни аниқлаштиради. Поэтик хотира эса сўзловчи ва тингловчи манфаатини бирлаштиришга йўналтирилади. Қолаверса, муаллиф ҳамда китобхон манзилли ва вазифавий танлови аниқ бадий амалиётда шаклий-услубий-жанрий такомилни ҳосил қилади.

Уйғон, эй малагим, тур, ўрнингдан тур,
Оташин музларда исинайлик, юр.

Ёнғинли дарёда қулоч отайлик,
Бу ердан кетайлик, фақат кетайлик [Рауф Парфи. 3:100].

Эътибор берилса, ушбу мурожаат йўналтирилган малак ўқувчини ўйга толдиради. Маълумки, малак бу – фаришта. Бу ўринда шоир унга машуқа ёки унинг гўзаллиги сифатида мурожаат қилмайди. Малак унинг тасаввури, шу маънода шеърдаги “оташин муз”, “ёнғинли дарё”нинг мавжудлиги, ўт билан сувнинг ўзаро муносабатга кириши бадий далилланади. Шу ўринда Пайғамбармизни ҳам мерож кечаси самога Жабройил алайҳиссалом (фаришта) меърожга олиб чиққанлигини эсласак, шоир тасаввури моҳияти янада аниқлашади.

Мазкур шеърни таҳлилга тортаркан, адабиётшунос Б.Саримсоқов шундай таъкидлайди: “Маълумки, оксиморон бири-бирига зид маъноли тушунча ёки нарсаларни ўзаро боғлиқликда истифода этиш орқали вужудга келади. Оксиморонни ташкил этиган зид тушунчалар ёки нарсалар аслида ҳеч қачон муносабатга киришмайдилар. Мана шунинг учун ҳам ушбу кўчим ҳамма вақт асар қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларидаги шиддат, зиддиятларни ифодалашда кўп қўлланилади... Рауф Парфи оксиморонга жуда кўп мурожаат этади. Бунинг сабаби шундаки, унинг лирик қаҳрамони ҳамма вақт ички драматизмга, кескин руҳий кечинмаларга бой. Инсон руҳидаги, қалбидаги зид кечинмалар билан нурланган реал воқелик, бир-бирига зид тасаввурлар, ассоциациялар туғдиради” [Саримсоқов Б., 5:60].

Қарагил, энг ёрқин бир юлдуз ёнар,
Ёруғ бир чаман бу... кетармиз яна.

Бу кун шоҳ эрурман, тилак тилагил,

Бу кун мен гадоман, тингла малагим [Рауф Парфи. 3:100].

Ушбу сатрлардаги шоир таърифлаётган “энг ёрқин бир юлдуз”да инсон (рух) сўнгги манзили, “ёруғ бир чаман” эса бу манзилда фақат адолат ва ҳақиқат асосий мезон эканлиги англашилади. Таъкидлаш лозимки, мурожаат стилизацияси жиҳатидан мазкур шеър моҳиятан Чўлпоннинг “Гўзал” шеъри билан мутаносиблик касб этади, дейиш мумкин.

Шеъриядаги диалогда сўз, маъно, оҳанг ва маром омукталашади. Унинг қўлланилиш усули бадиий самарадорликни ҳосил қилувчи етакчи унсур, унда шакл такомиллашуви маъно ва моҳиятни янгилайди ва услуб барқарорлашувига имкон яратади. Тафаккурни ифода қилишда бадиий имкониятлар чексизлиги тасаввур микёсларини ўқувчи онгига кўчиришни тақозо этади. Ахборот қуввати ҳамда руҳият тасвири мутаносиблиги мушоҳада ёрқинлигини таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ақлий тафаккур юксалиши туйғу теранлашувига йўл очади. Зотан, туйғуни мулоҳазадан, тафаккурни нутқдан, муҳокамани таҳлилдан айириб бўлмаганидек, диалогик муносабатларни ҳам монологик тафаккурдан ажратиш мушкул. Ваҳоланки, бадиий чамбарчаслик қонунияти ҳаётни англаш ва идрок этиш бутунлигини етакчи таомил сифатида фалсафий-маънавий жиҳатдан тақозо этади.

“Шоирлик – аслида шеърни шеъриятга алоқаси йўқ нарсалардан тозалай билишдир. Чунки шеърнинг гўзаллиги, аввало, ана шу мусаффоликда акс этади. шеърдаги софлик – туйғу ва тушунчадаги софлик эмас. Шеър билан шеърхон орасидаги давомли ички алоқа шундай бошланади... Зеро, ҳақиқий адабиёт – санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошқа бир нарса эмас. Унинг билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бироқ, ҳеч қандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва ҳақиқатга таянилиб ўқилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди” [Ҳаққулов И., 7:162].

Кузатиладики, шеъриятда адабий тафаккур категорияси сифатида нутқ типлари услуб ва вазифа жипслашувини таъминлайди. Муаллиф, матн ва китобхон ўзаро алоқаси чуқур идрокни тақозо этади. Бадиий матнни идрок этишда хусусийликдан умумийликка кўчиш усули қулайлиги қадриявий мезонларни асосий ўринга олиб чиқади. Мазкур жараёнда лирик субъект томонидан илгари сурилган бадиий ғоя ўзга (ўқувчи) томонидан тўлиқ ўзлаштирилгани ҳолда маъно моҳияти ва аниқлиги икки томонни бирлаштиришга хизмат қилади. Айни мурожаат шаклида муаллиф ва

китобхон манфаатлари уйғунлашган ҳолда поэтик идрок ҳамда адабий завқ синтези масалани янада конкретлаштиради.

Адабиётлар:

1. Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000.
2. Бекбергенова З. Қарақалпақ романларида кўркем сўз поэтикаси (1980-2010 жыллар). – Н.: Илим, 2016.
3. Рауф Парфи. Сайланма. – Т.: Akademnashr, 2013.
4. Раҳимжон Раҳмат. Адабиётдан чиқиш. – Т.: Akademnashr, 2015.
5. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004.
6. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013.
7. Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Т.: Фан, 2009.

